



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



ЁШ АВЛОДНИ САЛБИЙ ИМЛАТЛАРДАН

АСРАШ!

2023 йилда биргина олти ойнинг ўзида республика бўйича жами 4 239 та наркограффити аниқланиб ўчирилган ва уларнинг ёзилишига алоқадор бўлган 25 нафар шахс аниқланган.

МУАММО ВА ЕЧИМ

Гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш, улардан фойдаланиш усулларини Интернет, оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш, жойларда девор ва йўлакларга интернет-дўкон манзилнинг матни ёки графикасини чизиш ("наркограффити") орқали реклама қилиш ҳолатлари учрамоқда. Шу билан бирга, гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш учун мижозларни топишда ахборот технологиялари ва Интернетдан фойдаланиш ҳолатлари ҳам кундан-кунга ортиб борапти.

(Давоми 2-саҳифада)



ИЛМДАН ЎЗГА НАЖОТ ЙЎҚ

Ўзбекистонда олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланган ва шу асосда ундаги вазифаларни изчиллик билан бажариш чоралари кўрилмоқда.

Олий таълимда битирувчилар компетентлигини замонавий меъёрларга олиб чиқиш ҳамда миллий иқтисодиётимиздаги бугунги мутахассисга қўйилаётган талабларни аниқлаштириш ва тизимлаштириш мақсадида институтимиздаги бир гуруҳ мутахассислар томонидан битирувчиларнинг истеъмолчилари ҳисобланувчи корхоналар, ташкилотлар, идоралар ва муассасаларда мониторинглар олиб борилди.

(Давоми 8-саҳифада)

АСЛИДА КИМНИНГ АҚЛИ ЗАИФ?!


Бир вақтлар алоҳида ёрдамга муҳтож, имконияти чекланган болалар билан ишлаган эдим. Менга: «Бу мактаб ўқувчилари тўрт қатор шеърни эплаб ёдлашса ҳам катта гап», дейишган эди. Сабаби, бу мактабда 4 хил даражадаги ақлий ривожланишдан орқада қолган болалар таълим олар эди. Ростини айтсам, мен ўша мактаб болаларида ҳақиқий соғинч, меҳр ва оппоқ дунёнинг ҳақиқий рангини кўрдим, ҳис қилдим.

Ўша тўрт қатор шеър ёдлаши амриҳоҳол дейилган ўқувчилар билан кузатишни, таҳлил қилишни ва ўзларига хос дунёни ўргандим. Уларнинг ўз ҳаётига оид хикоялари ҳамда турли мавзудаги шеърлари «Гулхан» журналида икки саҳифа қилиб чоп этилди.

Болалар ўзларининг ижод намуналари чоп этилган журнални қўлларига олганларидаги ҳолатни тасвирлаб беролмайман. Ўшанда: «Бу мактаб тарихида бўлмаган воқеа бўлди», дейишди устозлар...

Бир неча ой аввал шу мактабда таълим олаётган Гулноза исмли ўқувчи менга қўнғироқ қилди. Аввал у гапира олмай йиғлади, сўнг: «Устоз, мен битирувчи синфман. Яқинда мактабимиз ўқувчилари билан суҳбат бўлди. Менга ҳам саволлар беришди. Лекин

мен саволларга атайин нотўғри жавоб бердим. Сабаби, агар тўғри жавоб берсам, мени оддий болалар ўқийдиган мактабга юборишарди», деди. У оддий болалар деганда соғлом болалар мактабини назарда тутаётган эди. Гулнозага қандай савол берилганини сўрадим. У: «Мендан бир йилда нечта фасл бор, деб сўрашди. Уларга бир йилда учта фасл бор, деб жавоб бердим», деди. Мен бу оддий саволга Гулноза тўғри жавоб бера олишини билардим. Чунки у барча топшириқларни ҳаммадан олдин бажарар, катта ҳажмли шеърларни ҳам тез ёдлаб, ифодали ўқиб беради. «Ахир нега ундай қилдингиз?» деган сўроғимга у: «Агар тўғри жавоб берсам, мени ўша аввалги мактабимга ўтказиб юборишарди. У мактабда эса синфдошларим мени



жуда кўп камситиб, ҳақорат қилиб, йиғлатишарди. Ҳозирги мактабимда камситилмай, йиғламай ўқияпман», деди. Кейин у мактабни тамомлагач фақат махсус коллежда ўқиши мумкин эканлигини айтиб яна йиғлади...

Мени ўша кундан бери бир савол қийнайди. Нега бу қиз кимларнингдир озоридан қочиб ақлий

(Давоми 2-саҳифада)

ЁШ АВЛОДНИ САЛБИЙ ИЛЛАТЛАРДАН

АСРАШ:

МУАММО ВА ЕЧИМ

(Боши 1-саҳифада)

Кейинги йилларда мамлакатимизда гиёҳвандлик воситалари, улар аналоглари ва психотроп моддаларнинг, шунингдек, кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф равишдаги муомаласига қарши курашиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ, бугунги кунда гиёҳвандлик воситаларини тарғиб қилишнинг янгидан-янги усуллари пайдо бўлмоқда. Гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш, улардан фойдаланиш усуллари Интернет, оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш, жойларда девор ва йўлакларга интернет-дўкон манзилнинг матни ёки графикасини чизиш (“наркографити”) орқали реклама қилиш ҳолатлари учрамоқда. Шу билан бирга, гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш учун мижозларни топишда ахборот технологиялари ва Интернетдан фойдаланиш ҳолатлари ҳам кундан-кунга ортиб борапти.

Мутахассислар маълумотларига кўра, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни виртуал майдонда реклама қилиш ёки сотиш билан боғлиқ ҳолатлар 2021 йилда икки юзга атрофида

аниқланган бўлса, ўтган 2023 йилда етти мингдан ортиқ бундай ҳолат аниқланган. Бу эса, аҳолимиз, айниса, ўсиб келаётган ёш авлодни бундай салбий иллатлардан асраш борасида кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш масаласини кун тартибига чиқармоқда.

Мазкур салбий ҳолатга қарши курашиш ва гиёҳвандлик билан боғлиқ вазиятни ўнглаш мақсадида ҳудудларда аниқланаётган ҳолатлар ўрганилиб, статистик маълумотлар таҳлил этилиб, зарур чоралар кўриляпти. Жумладан, 2022 йилда мамлакатимизда махсус идоралараро ишчи гуруҳи тузилди ҳамда унинг асосий вазифаси этиб Интернет тармоқларида наркотик моддаларнинг рекламаси ва савдоси билан шуғулланувчи онлайн дўконлар манзилларини аниқлаш, уларни блокировка қилиш ҳамда аҳоли яшаш масканларида гиёҳвандлик воситалари савдоси амалга ошириладиган электрон дўконларнинг манзилларини акс эттирувчи “наркографити”ларни аниқлаб, ўчириш белгиланди.

Мазкур вазифаларни бажариш учун бир қатор ботлар яратилди ҳамда мазкур ботлар орқали келиб тушаётган маълумотлар асосида

турли тадбирлар ташкил этилиб келинмоқда. Хусусан, 2023 йилда биргина олти ойнинг ўзиде республика бўйича жами 4 239 та наркографити аниқланиб ўчирилган ва уларнинг ёзилишига алоқадор бўлган 25 нафар шахс аниқланган.

Бу ҳолатларда айбдор шахсни, яъни жиноятчини аниқлаш қанчалик мураккаб эканлиги барчага аён. Шунинг учун ҳам бундай йўлга кирган шахсларга нисбатан қатъий жазо чораларини қўллаш “қонун устувор, жазо муқаррар” принципини амалда рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Шу ўринда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, шунингдек, кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларнинг қонунга хилоф равишда муомаласига қарши курашишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асосини яратишга қаратилган десак, муболаға бўл-

майди. Чунки мазкур лойиҳа билан гиёҳвандлик воситаларини ҳамда кучли таъсир қилувчи моддаларни ОАВ, Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланган ҳолда тарқатганлик, реклама қилганлик ва намоиш этганлик учун маъмурий жавобгарлик, агар бундай ҳолат бир йил ичида такроран содир этилса жиноий жавобгарлик белгилаш таклиф этилмоқда.

Бу қонун лойиҳаси бежизга ишлаб чиқилмаган. Чунки ҳозирги кунда мамлакатимизда ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари, прекурсорлар ҳамда таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган дори воситаларининг Интернет, шу жумладан, турли ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар орқали тарқалишининг салбий тенденцияси кузатилаётгани юртимизнинг эртанги кунига бефарқ бўлмаган барчани хавотирга солмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш, бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бундай воситаларни виртуал майдонда реклама қилиш ва сотиш ҳолатларининг барвақт олдини олишга хизмат қилади.

Жуманазар ОТАЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

АСЛИДА КИМНИНГ АҚЛИ ЗАИФ?!

(Боши 1-саҳифада)

ривожланишдан орқада қолган болалар орасида ўқиши керак?! Аслида бизнинг вазифамиз, бурчимиз бири кам бўлиб дунёга келган болаларни соғлом жамиятга қўшиш эмасми?!

Таассуфки, ҳаётим давомида икки қарама-қаршиликка — тиббиёт хулосасига кўра дардман деб ҳисоблангану, лекин фикрати тоза, рухияти соғлом инсонларни, аксинча, қоғозда соғлом аслида рухияти чиркин, дунёқараши тор, разил кимсаларни кўп учратдим.

Хўш, энди ҳақли савол туғилади. Аслида қандай одамлар ақли заиф ҳисобланади?!

Бировнинг ҳаққидан кўркмайдиган, ўзгалар кўнглини оғритишни одат қилиб олган, бундан эса ҳузур топадиган, пул, мансаб боқий деб ўйлаб

манманлик ва кибр отига минганлар, сизнингча соғломми?!

Ўз жинсини аниқлаштира олмай, аросатда юрган эркакларчи?! Бугунги кун билан яшаётган, маблағ учун, мансаб учун ор-номусини ер қилаётган аёлларчи?! Ўз фарзандининг қотилига айланаётган ота-оналарчи?! Кунида, одамига қараб «ниқоб»ларини алмаштиравериб, аслини унутган кимсаларчи?! Соғломми?!

Буларни фақатгина Худодан кўркмайдиган, унинг борлигига ишонмайдиган кимсаларгина қила олади. Агар Яратганнинг борлигига ишонса, охират жавобини ҳис қилса, у бу ишларни ҳеч қачон қилмас эди. Қиялпими, демакки у ишонмайди, англамайди, ҳис қилмайди. Аслида ана шулар ҳақиқий ақли заифлардир!

Мен биргина қизнинг изтиробини эшитиб, бу бизнинг атрофимиздаги ҳолат эканидан ўқиндим, ўқиндим, оғриндим.

Хурматли ота-оналар! Рўзаи Рамазон кунларида шунчаки сахарлик ёки ифторлик қилманг. Фарзандингизга бировни ҳақорат қилиш, таҳқирлаш, камситиш ва дилини оғритиш энг оғир гуноҳлардан эканлигини тушунтиринг. Танасидаги ёки имкониятидаги чекланишни тенгдошининг юзига солмай, унга тиргак, далда, суянч бўлишни ўргатинг.

Биз ота-оналар устозлар билан бирлашиб, ҳамфикр бўлиб миллатимиз келажаги учун ҳозирда ноқ фарзандларимизни тўғри тарбия қилишимиз керак.

Зеро, миллатимизга, келажагимизга соғлом ҳаёт, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат нафаси кўпроқ керак. Бўлмаса барча-барчасини “ақли заифлар” қўлида бой берамиз!..

Нилуфар ЖАББОРОВА

“ИНСОНИЯТ ТАҚДИРИ КИМНИНГ ҚЎЛИГА ЎТМОҚДА?”

Яқинда машҳур тарихчи Юваль Ной Харари Давосда ўтган Бутужаҳон иқтисодий форумида келажакда Ер шарини ким бошқариши ва доимий технологик инқилоблар шароитида инсон қанчалик ўзгариб кетиши ҳақида маъруза қилди. Хўш, тарихчи Харари фикрича яқин келажакда бизни нималар кутмоқда?

МОСЛАШУВЧАНЛИГИНГИЗГА МАБЛАҒ САРФЛАНГ

Асрлар давомида иш тушунчаси бир неча маротаба ўзгарган. Жуда катта даврда (инсоният тарихининг асосий қисмида десак ҳам бўлаверди) одамлар умуман ишламаганлар – зўрға кун кечирганлар, холос. Яъни соат 8.00 да ишга бориб, у ерда 17.00 гача бўлиш – бу замонавий тушунча. Бизнинг аجدодларимиз: овчилар ва ўсимликлар илдизлари, меваларини териб-тўпловчилар юз минг йиллар мобайнида ишга бориш нималигини билмай ўтишган.

Ишни йўқотиб қўйишдан хавотирга тушиш ва ташвишланиш – бу нисбатан янги феномен. Кейинги асрларда рўй берган саноат инқилоблари туфайли инсон ҳамма ишни машина бажарадиган бўлади ва шу боис мен кераксиз одамга айланиб қоламан деб, доимий кўрқув ҳис этиб келди. Дарвоқе бу сафар кўрқув асосли бўлиб чиқиши мумкин. Худди доимо “Бўрилар!” деб қичқирадиган болакай воқеаси сингари ҳодиса содир бўлиши мумкин: охир-оқибат бўрилар тўдаси пайдо бўлади.

Ҳозир одамлар эксплуатацияга қараганда янада кўрқинчли тушунча – ўзларининг кераксизлиги билан юзма-юз кела бошлашди. Сени эксплуатация қилишаётганда, ҳеч бўлмаса ўзингни кераклигингни ҳис этиб турасан, сендан бошқа ишлайдиган нарсани кўрмайсан. Ўрнингни босадиган технологиялар эса айнан муаммоларинг ва хавотирларингни кучайтириб юборади.

Янги даврда ҳам янги касблар пайдо бўлади. Масала шундаки, янги вакансия жойларни эгаллаш учун одамлар ўзларини “кайта ихтиро қилиб, мутахассис сифатида ўзлигини топиш”ни удралай оладиларми? Биз битта технологик инқилобни эмас, поғонали инқилобларни бошимиздан кечиришни ҳисобга олсак, одамлар ўзларини ҳар 10 йилда “кайта

ихтиро этиш”ларига тўғри келади. 20 ёшингда ўзингни «кайта ихтиро этиш» бошқа, 30, 40, 50 ёшда бу ишга қўл уриш анчайин қийин, мушкул бўлганлиги боис одамларда хавотир янада кучайди.

Келгусидаги бандликни таъминлаш бозори ҳақида гапирганимизда роботлаштиришга ҳаддан зиёд кўп эътибор қаратамиз. Биз худди шу даража ва қўламда биотехнологияларга ҳам эътиборимизни жалб этишимиз лозим. Қўлаб янги касблар инсоний ҳиссиётларни англаш билан боғлиқ бўлади. Ҳатто учувчисиз, ҳайдовчисиз машиналар пиёдалар ўзларини қандай тутишини тушуниб этиши керак бўлади. Айниқса банк ходимлари, ижтимоий ҳимоя соҳаси мутахассислари вазибаларини машиналар бажарадиган бўлса, бу масала янада долзарб аҳамият касб этади.

Бундай ҳолатлар моҳиятига сал ўзгача назар соладиган бўлсак: касбни эмас, одамларни ҳимоя қилиш масаласи ўртага чиқади. Кераксизлиги учун баъзи касблардан воз кечиш даркор. Аммо биз касблар ҳақида эмас, одамлар ҳақида қайғуришимиз керак. Ҳозирги вақтда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида эмас, ишнинг мазмунини инқирозга учради.

Тарихчи сифатида, шуни таъкидлашим зарурки, Ўрта асрларга қараганда ҳозир одамлар ҳақиқий жаннатда яшамокдалар – бироқ негадир улар бунди ҳис этишмаяпти. Биз тиришқоқлик билан меҳнат қилишни биламиз, самарали ходим бўлишни ҳам удрасидан чиқамиз, бироқ дам олишни билмаймиз. Иш мазмунини содир бўлган инқирозни ҳал қилсак, дам олиш билан боғлиқ муаммонинг ҳам ечимини топа оламиз.

Мен беришим мумкин бўлган энг мақбул маслаҳат – ўзгаришларга ўзларингизни мослашувчанликларингизни таъминлаш учун сармоя киритинг.

Ахборотнинг эгаси – дунёнинг эгаси

Сайёрамизнинг келгуси хўжайинлари айнан қандай кўринишга эга бўлади? Бунди ким ахборотга эгалик қилса, ўша ҳал қилади. Ахборотни назорат қилиш кимнинг қўлида бўлса, Ер шаридаги ҳаётни шу назоратга олади. Ахборот – дунёдаги энг муҳим сармоя ва муваффақиятдир. Бир гуруҳ танланган одамлар қўлида ниҳоятда катта қўламдаги ахборот тўпланиб қолса нималар содир бўлади? Инсоният бўлиниб кетади. Синфларга эмас, турларга бўлинади. Ахборот шу учун муҳимки, биз эндиликда нафақат компьютерларни “бузиб-синдириб”, шу билан бирга инсон организмни ҳам “бузиб-синдириб” ичига кириш нуктасига етиб келдик. Бу учун иккита нарса зарур: катта ҳисобловчи қувват ва улкан маълумотлар ҳажми, жумладан биометрик. Шу пайтгача инсониятни “бузиб-синдирадиган” ингредиентлар ҳеч кимда йўқ эди. Ҳатто одамларни бутун сутка давомида изчил кузатиш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган совет КГБси ва испан инквизициясида ҳам бундай имконият бўлмаган.

Ҳозир вазият бир вақтнинг ўзида содир бўлаётган иккита инқилоб туфайли тубдан ўзгармоқда: компьютер фанининг ривожланиши (машинани ўрганишни тараққий этиши ва сунъий интеллект) ва биология, жумладан нейробиологиянинг ривожини. Бу эса бизга инсон мияси қандай ишлашини тушуниб этиш учун зарур имконият эшигини очмоқда. Бир ярим асрлик тадқиқотларни учта сўз билан умумлаштиришимиз мумкин: организмлар алгоритмлар дегани. Ва ҳозир биз бу алгоритмларни қандай расшифровка қилишни ўрганаёلمиз.

Эҳтимол иккита инқилоб учун энг муҳим ихтиро – бу бизнинг танамиз ва миямиздаги биохимик жараёнларни электрон сигналларга ўтказадиган ва уларни компьютерда таҳлили этади-


ган биометрик сенсор. Бу алгоритмларни расшифровка қилиш орқали инсондан кўра яхшироқ мавжудотни яратиш мумкин. Бироқ бу мавжудод, ушбу технологияларни қандай қўлайди, очиги буни тасаввур этаолмайман.

Ахборотга эгалик қилишни ким тартибга солмоқда? Мен ҳақимдаги ахборотнинг эгаси ким? Ҳозирги пайтда бу ахборотларнинг катта қисмига корпорациялар эгалик қилишмоқда ва бу одамларни ташвишлантирмоқда. Бироқ ҳукуматларни ахборотни национализация қилишга вакил этилса – бу рақамли диктатурага олиб келади.

Кўпчилик довга нима тикилганлигини умуман англаб етмаяпти

Мени ўзимдан кўра яхшироқ тушунадиган алгоритмлар қўлимизда бўлса, улар менинг истакларимни олдиндан башорат қилиши, ҳиссиётларимни манипуляция қилиши ва ҳатто мен учун қарорлар қабул қилиши мумкин. Мабодо биз хушёрликни бой берсак, рақамли диктатура даври келади. Ахборотни назорат қилиш халқаро элитага рақамли диктатурадан кўра янада радикал ишларни амалга оширишга имконият беради. Организмларни “бузиб-синдириб” ичига кириш орқали элита келгуси ҳаётни қайта қуриш имконига эга бўлади. Ва бу нафақат бутун инсоният ҳаётида, шу билан бирга Ер шаридаги барча тирик организмлар ҳаётида буюк инқилоб ясайди. Бу энди дунёнинг яраллишидаги илоҳий мазмун, ният эмас, инсоннинг ғояси бўлади. Бу муаммо ҳал этилмаса, бир тўда одамлар элитаси Ердаги ҳаётнинг келажакни белгилайди. Жуда кўпчилик одамлар атрофида нималар рўй бераётганлигини, инсоният тақдири довга нима тикилганлигини мутлақо англаб етмаяптилар. Қўлаб мамлакатлар ҳукуматлари (Хитойдан ташқари – у ерда барчасини тушуниб туришибди) бу муаммога қўл силтасалар: бизнинг бундан-да шошилинч ишларимиз бор! Бундай муносабат эса ўта хавфли.

Рус тилидан
Жалолiddин САҒОЕВ
таржимаси





“OYINA.UZ” ПОРТАЛИ

МЕҲМОНИМИЗ

Ҳозир жаҳон ахборот майдонида бир эзгу фикрга ўнга, балки юзта чалғитувчи маълумот тўғри келиши ҳеч кимга сир эмас. Лекин интернетни чеклаш, блоклаш тескари натижа бериши, энг тўғри йўл эса ўша битта яхшилиқни бугун иккитага, эртага учтага кўпайтириш экани тажрибада исботланган. “Oyina.uz” маънавий-маърифий портали шу йўлдан боришни мақсад қилган.

Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этилган электрон портал жамоаси инфо оламда муносиб ўрин эгаллашга интиломда. Дастлабки қадамлари билан афкор омма эътиборини, эътирофини қозонмоқда.

“Oyina.uz”да тезкор ва долзарб янгиликлар, маънавий-маърифий, илмий-ижтимоий мавзулардаги долзарб мақолалар, жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари, илғор зиёлиларнинг ташаббуслари, мафкуравий жараёнлар таҳлили, фото-видео маҳсулотлар, электрон ҳамда аудио китоблар, тақдимот ва инфографикалар бериб борилади. Маънавий-маърифий порталнинг энг сара материалларидан сиз, азиз газетхонларга ҳам илдиндик.

**Ҳозир Навоий тирилик келса ҳам,
ўз пулига китоб чиқарарди**

Бугуннинг адиблари қанча гонорар олади?

Ижод аҳли ўз асарлари учун тўланаётган қалам ҳақидан розими? “Oyina.uz” маънавий-маърифий портали бунга ойдинлик киритиш мақсадида бир гуруҳ қаламкашларни саволга тутди.

Президентнинг 2017 йил 14 августдаги «Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қалам ҳақи сезиларли миқдорда оширилган эди.

Лекин нашриётларда муаллифларга гонорар тўлаш тартиби ҳар хил. Айримлар олдиндан, айримлар сотиб бўлингач; айримлар нақд пулда, айримлар китоб шаклида тўлайди... Яхшиси, бугунги аҳвол ҳақида ижодкорларнинг ўзидан эшитамиз.

Эркин Аъзам,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

– Ўзимнинг ҳисобим бўйича энг катта гонорарни ўтган асрнинг 80-йиллари нашр этилган китобларим учун олганман (“Жавоб”, “Байрамдан бошқа кунлар”). Баъзи нашриётлар қалам ҳақи деб номига бир-икки сўм бергандек бўлади. Лекин уйга кўтариб боргани ҳам уяласиз. Ҳозир ёзувчилик ҳаваскорона бир хунар, анойининг машғулоти. Унча-бунчаси бу ишга йўламайди. Тўғри қилади. Девона кўнгилнинг иши бўлиб қолди-да у. Энг катта гонорарим мўмайроқ экани аниқ, аммо миқдори эсимда йўқ. Ёш ёзувчи учун катта гап эди ўшанда. Эвазига машина сотиб олгулик асар ёзганим йўқ, афеуски. Ёстиқдек-ёстиқдек китоблари чиққан ўша давр классиклари олган деб эшитаман.

Усмон Азим,

Ўзбекистон халқ шоири:

– Энг катта олган гонорарим? Эсимда йўқ. Нашриётлар қалам ҳақи ўрнига 20-30 китоб беради. Га-

зета-журналлар, телерадио эса бир тийин ҳам бермайди. Ўзбекистонда ёзувчи-шоирлар меҳнатини қадрлаш ноль даражада. Уят!

**Феруза Қувонова,
муҳаррир:**

– Ижодкорлар бугун олаётган қалам ҳақини, Улуғбек Ҳамдам айтганидек, рамзий маънода тушуниши керак. Чунки ёзувчининг меҳнатини, заҳматини қанчалик қадрламайсин, нашриётлар адибни хурсанд қиладиган ҳақ тўлашга қийналади, сабаб оддий. Ёзувчига гонорарни нашриёт эмас, балки китобхон тўлайди! Нашриёт шунчаки ўртадаги воситачи. Агар ижод маҳсули юксак даражада, шов-шувли, талабгир бўлса, минглаб, миллионлаб нусхаларда босилса, нега катта қалам ҳақи олмаслиги керак? Совет даврида битта асарнинг гонорарига битта мошина берарди, чунки китоб катта нусхада босилиб, шундан фоиз ажратилган, ҳозир ҳам шундай, фақат ўн минглаб тираж ўрнига узоғи беш минг деган сон туради.

Нашриётдаям ижодкорлар ишлайди, меҳнатнинг баҳосини билади, ҳеч кимни норози қилишни истамайди, кам тўлов учун уялади (!), аммо ҳал қилувчи фақат китобхон, ишонинг шунга! Китобхон қўлидан, тилидан, дилидан тушмайдиган китобнинг эса гонорари юқори бўлади, бу замон талаби!

**Қамолитдин Шукур,
шоир:**

– Бугунги кундаги ижодкорлар олдида кўндаланг турган, ечимини кутиб ётган масалалардан бири айнан гонорар бўлгани боис кўпгина яхши ижодкорлар бутунлай бошқа соҳада ишлашга мажбур бўлишмоқда. Бизда шоирга, ёзувчига эътибор йўқ. Бошқасини қўя туринг, ҳозир Навоий тирилик келса ҳам, ўз пулига китоб чоп қилади. Ёзувчи, шоирларимизнинг кўпи иқтисодий жиҳатдан ночор. Дангалини айтганда, хору зор. Вазият уюшманинг томоқ йиртиб, ёлғон ахборот тарқатиб, аллақандай маълумотларни қаторлатиб ётгани каби эмас, аслида. Умуман – ёзувчи, шоирга на жамиятнинг ва на уюшма деган баланд чўкки ташкилотнинг эътибори йўқ. Қисқаси, ўзинг учун ўл етим!

Жавлон Жовлиев,

носир:

– Бизда гонорар тўлаш бўйича яхлит тизим йўқлиги аниқ. Ҳамма истаганича муаллифлик ҳуқуқлар-

ни бузаяпти. Охириги йилларда ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. Давлат нашрларида ҳам устоз ижодкорлар жуда кам қалам ҳақи олгани маълум, улар кўпинча шундан нолишадди.

Швейцарияда, масалан, бу ишлар билан Муаллифлик ҳуқуқи ташкилотлари шуғулланади, сиз ҳар ойда қаерларда асарингиз чоп этилган ёки радиода ўқилган бўлса, ТВда чиқиш қилсангиз, барчасининг гонорарини шу марказлардан оласиз, электрон тизимда ишлар жуда тез олиб борилади. Ёзувчи ва ОАВ, нашриётлар ўртасида муаллифлик ҳуқуқ марказлари туради. Ўзлари ҳам маълум ҳақ (кам фоизлар) олади, икки томон ҳам хурсанд, энг муҳими, тўловда ягона қонун-қонда бор.

Ўзимизда ҳам “Asaxiybooks” компанияси бошқача ишлайди, чет эл ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилида чоп этиш ҳуқуқини сотиб олади ва шартнома қилади. “Қўрқма” романим учун мен билан ҳам битим тузилган, сотувнинг 10 фоизи ҳар ой нақд берилади. Ҳозиргача китоб икки марта нашр қилинди, жами 23 минг тираж чиққан бўлса, шундан қирқ миллионга яқин гонорар олдим ва бу тўлов давом этмоқда. Ижодкорларга қалам ҳақи тўлаш тизими яхшиланиши катта ўзгаришларга олиб келишига ишонаман. Шунда ёзувчи-шоирлар мадҳиябозлик қилмай, халқ учун чин маънода ойина бўладиган асарлар ёзади, деган умиддаман.

Сухбатдош:

Нодира ИБРОҲИМОВА

Сценарийсиз сериалларнинг асосий қаҳрамонлари кимлар?

Кейинги вақтларда телеканаллар орқали намоён этилаётган “миллий” сериаллар ижтимоий тармоқлардаги асосий баҳс мавзуларидан бирига айланди. “Oyina.uz” бу борадаги фикрларини сўраб, бир гуруҳ зиёлиларимизга юзланди.

**Замира Бегимқулова,
сценарийнавис, режиссёр:**

– Деярли сериал кўрмайман, баъзан кўзим тушиб қолади. Гапнинг очиғи, актёрлар, айниқса, аёл образини ижро этаётганларнинг аксарияти профессионал эмас, ўшаларнинг туркини кўриб гашим келади. Киприklar уланган, лаби шишган, кош-кўз қоп-қора бўялган. Ижро ҳақида гапирмасаям бўлади. Негадир аксарият сериалларда аёлларни энгилтак, суюғоёқ қилиб кўрсатишяпти. Сочи оппоқ қайнотасига ёпишадими-ей ёки хотини ўлган қайнисига суйкалади... Билмадим, ҳаётда балки бордир шунақалар. Аммо нима учун айнан улар бош қаҳрамон бўлиши керак? Томошабоп қиламан деб фақат ҳаётнинг қоронғи томонини бўрттириб кўрсатиш шартми? Кейин бақир-чақир, муштлашиш сахналари жуда кўп.

... Яқинда “Исканжа” сериалида кўриб қолдим, кўчада қийналиб юрган бечора аёл мардикорчилик қиларкан-у, лекин тирноқлари ўстирилган, ҳар хил

“ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЭНГ БИРИНЧИСИ ВА ЯХШИСИ...”

...Сарлавҳадаги эътироф Абдулла Авлонийга тегишли. Унинг тўлиқ кўри-ниши қуйидагича: “Бу журнал “Ойна” чикқунча чикқон журналларнинг энг биринчи ва яхшиси эди” (Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи // “Туркистон”, 1924 йил 24 июнь).

Ўзбек миллий матбуотида журналчиликка асос солган инсон Маҳмудхўжа Бехбудий ҳисобланади. Нашрнинг номланиши муқовада – араб, ўзбек, форс ва рус тилларида ёзилган: “Миръот”, “Кўзгу”, “Ойна” ва “Зеркало”.

Бехбудий Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторига ёзган аризасида журнални ўзбек, тожик ва рус тилида чиқаришга изн сўраган. Лекин муштамлачилар тилида фақат эълонлар берилган. Афтидан, русчани ҳам қўшгани Бехбудийнинг арзи ижобий ҳал бўлишида муҳим роль ўйнаган.

“Ойна”нинг илк сони 1913 йил 20 август куни “Самарқанд” газетасининг 37-сони билан баробар чоп этилган. Бу ҳақда “Самарқанд”да “Арзи тухфа” сарлавҳаси остида шундай сўзларни ўқиш мумкин: “Самарқанд” жаридасининг барча муштарийлариға ийди саъид муносабати-ла ушбу рақам ила “Ойна” мажалласи “Самарқанд” идораси тарафидан ожизона тухфа юборилди. Қабули маржуддир”.

...“Ойна” ўз номига яраша иш олиб борди. Бўлиб ўтган ва содир бўлаётган, кутилаётган воқеа-ҳодисаларга муносабатини мунтазам билдириб турди, уларнинг мазмун-моҳиятини муштарийларга тушунтиришга ҳаракат қилди.

Бехбудий, аввало, ўзи ҳаммага ибрат бўлиб долзарб мақолалар ёзди. Журнални варақласак, сара публицистик асарлар муҳаррирга тегишли эканини кўрамиз: “Икки эмас, тўрт тил лозим” (1-сон), “Майда қарз, мулк кредит” (1-сон), “Миллатни ким ислоҳ этар?” (12-сон), “Оҳ, бонклар бизни барбод этди” (19-сон), “Туркистон тарихи керак” (38-сон) каби таҳлилий мақола, публицистик асарлари фикримиз далилидир.

...Чор Россияси органи бўлган “Туркистон вилоятининг газети” эса миллий журналда чоп этилган фикрларга қарши чиқишларни кўпайтиради. “Ойна”да ҳам бу газетадаги муносабатларга муносиб жавоб бериб борилади. Масалан, “ТВГ”да маҳаллий халққа “сарт” деган тамға бошишга ҳаракат қилинади. “Тараккий”, “Хуршид”, “Шухрат” газеталари ёпилишига бош бўлган миссионер Н.Остроумовнинг пуч даъволарига Маҳмудхўжа Бехбудий “Сарт сўзи мажхулдир”

ранга бўялган. Нахотки, шу кўриниб турган, элементар нарсани режиссёр ҳам, актриса ҳам кўздан кочирган? Биз танқид қилганимиз билан сериалларни олиш тўхтаб қолмайди, чунки эфирни тўлдириш керак. Хусусий каналларда берилётган сериалларни режиссёрлар ўзлари пул топиб, ўзлари тасвирга олади, шунинг учун арзонроқ йўллари излашади. Текинга роль ижро этиб берадиганларни қидиришади, кўрган-эшитган воқеаларидан сюжет ясашади, буларга ҳатто сценарий ҳам ёзилмайди. Назаримда, телесериалларни катъий назоратга олиш керак. Бадий кенгаш қабул қилганидан кейин эфирга берилиш тартибини ўрнатиш керак.

Анвар Намозов,
ёзувчи:

– Телесериал. Нима учундир бу муаммоли мавзу бизда. Ҳамма гап оила даврасида кўришга бориб тақалади. Ваҳоланки, телесериал намоишида +12, +16, +18 белгилари туради. Оила даврасида томоша қилишни истасангиз, бошқа нимадир кўринг. Ахир, теледастурлар кўп-ку! Очиғи, бугун “қизил” гаплар, “соф” туйғулар, жимжимадор иборалар билан томошабинни жалб қилиб бўлмайди.

(“Ойна” журнали, 1914 йил, 22–26-сонлар) мақола билан асосли эътироз билдиради.

“Ойна” журнали таҳририяти фаолияти доимий назоратда сақланган. Ўзбекистон Марказий давлат архивида бизга далил бўлгулик кўпгина ҳужжатлар бор. Масалан, Туркистон ҳарбий округининг штаб бошлиғи имзоси билан Самарқанд вилоят ҳарбий губернаторига 1914 йил 19 август куни 100-рақамли хат юборилган. Мазмуни шундан иборатки, биринчи жаҳон уруши даврида “маҳаллий матбуотда Россия манфаатиға зид мақолалар пайдо бўлиши мумкинлиги боис” Туркистон ҳарбий цензураси Самарқанддаги нашрларни назорат қилиб туришни штабс-капитан Отаевга топширади. “Ойна” журнали корректураси учун кўчирма (оттиск)дан журнал босмадан чиқишига икки кун қолгунча юборилиши бош муҳаррир зиммасига юклатилади. Бехбудийни ҳарбий округга чақиртириб, ушбу “ўта махфий хат” остига “Ўқидим ва маълумот учун қабул қилдим”, дея имзо чектиришган.

...Нашрни Россия ва мусулмон Шарқи зиёлилари мутолаа қилишгани тўғрисида маълумот мавжуд. Бехбудийнинг шогирдларидан бири Ҳожи Муиндан қисқача иқтибос: “Ойна” халқни уйғотиш учун яхшигина хидмат этди... “Ойна” Туркистондан бошқа Тотористон, Кофқоз, Афғонистон, Эрон, Туркия ва Мисргача тарқалар ва ҳар ерда суйиб ўқилур эди” (Ҳожи Муин. Самарқанд матбуотининг тарихи // “Зарафшон” газетаси, 1923 йил 23 июнь).

Маҳмудхўжа Бехбудий ўз маблағи ҳисобидан очган, кўз нурини тўккан, қалб кўрини берган “Ойна” журнали миллат қайғуси, юрт озодлиги ва халқ маърифати учун кураш майдонига айланган нашрлар аввалида туради.

Ҳалим САИДОВ,
филология фанлари доктори

Томошабин зерикдими, меҳнатингиз чиқитга чиқди, деяверинг. Шартта бошқа каналга ўтиб кетади. Томошабинсиз сериалнинг эса кераги йўқ! Қолаверса, ТВда рейтинг тушса, канални бўшатиб қўйишга тўғри келади.

Минг афсуски, ҳозирги манзара шундай! Томошабинни оркамдан эргаштираман, деб ҳам ўйламанг. Тўғри, буни удалаш мумкин. Аммо томошабиннинг йўриғига юриб, қандайдир келин-қайнонани ва яна чиркин воқеаларни албатта киритишингиз керак. Одамлар сериаллар олди-қочди бўлиб кетди, дейиши мумкин, бироқ айнан шу мавзуни томоша қилаверади. Ҳомий, продюсерларга, айниқса, режиссёрга қанчалик қийинлигини англаяпсизми?

...Аслида ўзбек томошабини инжиқ. Турк сериаллари бўлмағур, ўзимизникини кўйинглар, дейди. Ўзимизнинг сериаллар намоиш этилса, тескарисини гапирди. Энг аввало, томошабинда тутурик, дид-фаросат бўлиши керак-да! Диди нозик бўлса, савия сайқаллашиб борса, сериаллар мазмун-мундарижасида ҳам ўсиш кузатилади.

Сухбатдош:
Нодира ИБРОҲИМОВА



Иброҳим Раҳим ва Неъмат Аминовнинг “Муштум”дан ҳайдалиши, ўлганнинг ортидан тош отганлар шармандали қисмати

«Сизнинг 1986 йили ёзилган «Кўнгул озодадир» қиссангизда: «Агар менинг сўзларимга шубҳа қилсангиз, масалчининг ҳолини, ана, Зоҳиджон Обиддан сўрангиз», деган жумла бор, у нимани англатади?» (Бир учрашувда менга шундай савол берилди.)

1983 йил ноябрь ойида Ўзбекистон ССРга 24 йил раҳбарлик қилган Шароф Рашидов 66 ёшида вафот этди. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони ва энг юксак Ленин мукофотиға, ўнлаб орден-медалларга сазовор бўлган бу атоқли давлат ва сиёсат арбоби, танқиди ёзувчининг хотираси ўзи бир умр садоқат билан хизмат қилган коммунистик партия ва совет давлати томонидан қандай таҳқирлангани кўпчиликка яхши маълум.

Бу жирканч ишни асосан Марказдан юборилган партия ходимлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларидан иборат «десантчилар гуруҳи» амалга оширди. Аммо уларнинг қонли пичоғини қайраб берган маҳаллий арбоблар ҳам оз эмас эди.

Буларнинг барчаси, табиийки, ўзбек халқи, айниқса, зиёлиларнинг ғазаб ва нафратига дучор бўлди.

1984 йил июль ойида «Муштум» журналида фронтчи шоир Зоҳиджон Обидовнинг «Арслоннинг ўлими» масали босилиб чиқди ва бутун Ўзбекистонда ғулув кўзгади.

...«Арслоннинг ўлими» Марказком бюросида ғоявий кўпуровчилик сифатида муҳокама қилинди. Зудлик билан ташкилий чоралар ҳам кўрилди.

Журнал фаолиятида кечириб бўлмас сиёсий хатога йўл қўйгани учун бош муҳаррир Иброҳим Раҳим, бош муҳаррир ўринбосари Олим Қўчқорбеков, адабиёт бўлимининг мудир Неъмат Аминов ва унинг ходими, асар муаллифи Зоҳиджон Обидов ишдан ҳайдалди.

«Муштум»нинг ўша сони барча кутубхона ва матбуот дўконларидан йиғиб олинди. Бу шеър XX аср «Зарбулмасал»и ўларок шухрат топди. Кечагина ўртамеъна шеърлар ёзиб юрган Зоҳиджон Обидов умуммиллий қаҳрамонга айланди.

Ҳаётда ижтимоий адолат доим ҳам қарор топмаслиги мумкин, аммо илоҳий адолат бундан мустасно: Шароф Рашидовнинг хотирасини оёқости қилганлар кўп ўтмай ўзлари хор бўлди. Қай бирлари ишдан олинди, қай бирлари қамалди, яна баъзилари урилиб-сурилиб, шармандаликка учради.

Хайридин СУЛТОН

РАҚОБАТБАРДОШ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙ ОЛЯПМИЗМИ?

Худойназар Юнусов узоқ йиллар Россияда яшаб, олий таълим муассасаларида тахсил олди, талабаларга дарс берди. Москва давлат университети биология-кимё факультети декани сифатида меҳнат қилаётган профессор 2018 йилда ватанига таклиф қилинди ва шу йилдан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ректори вазифасида фаолият юритмоқда. У билан суҳбатимиз олий таълимдаги ислохотлар, ютуқ ва камчиликлар ҳақида бўлди.



— Худойназар Бекназарович, кейинги йилларда баъзи йўналишларга кам балл билан ҳам олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиняпти. Шунингдек, табақалаштирилган тўлов контракт асосида ҳам талабгорларни олий таълимда тахсил олишига имкон яратилди. Бундай ҳолатлар эртага ушбу соҳада мутахассисликни қўлга киритадиган кадрларнинг савиясини тушириб юбормайдами?

— Жуда оғир савол бердингиз, юмшоқ жавоб беришга ҳаракат қиламан. Франция ва бошқа Европа давлатларида хужжатни топширсангиз университетга қабул қилади. Ўқишга кириш учун танлов йўқ, лекин ўқиш жараёнида талабга жавоб бермайдиганларни талабалар сафидан чиқаришади. Шунинг учун уларда талабалар сафидан чиқариш ҳолатлари кўп. Бизда мактабда яхши ўқимаган, лекин бошқаларга қараб мен ҳам ўқишга киришим керак, дейдиганлар кўп. Шу тоифадагиларни қайси даражада ўқита олиш имкониятимиз борлигини белгилаб олишимиз керак. Биз уларни ўқитиб, бакалавр даражасига еткази оламизми? Улар эртага ишлаб чиқаришга борганидан кейин қандай мутахассис бўлиб ишлай олади, деган саволларга жавоб топишимиз лозим.

Умумий қилиб айтадиган бўлсам, олий таълим муассасалари олдида битта вазифа бор: соҳани ривожлантириш учун рақобатбардош мутахассислар тайёрлаб бериш. Мутахассис бугун дипломни олганидан кейин эртага ишлайдиган жойида “Бошлиқ, нима қиламан?” деб сўрамаслиги керак. Биринчи иш кунининг компетенцияси деган талаб бор. Бизнинг мутахассисларимиз ўша талабга жавоб берадиган бўлиши керак. Табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқийдиган талабаларни бу даражага олиб чиқиш осон эмас. Аммо менда бу борада бошқа таклиф бор. Бундай талабаларни икки босқич ўқитиб, иш фаолиятини бошлаши учун техникум даражасидаги диплом бериш керак.

Шунингдек, биз икки нарса би-

лан бир вақтда тўқнашдик. Биринчиси, қамраб олиш, яъни хоҳиши бор ёшларни имкон даражада олий таълимда ўқитиш. Иккинчиси, мутахассислар сифатини ошириш. Бу икки вазифани бир вақтда бажариш жуда қийин. Шунинг учун биз бошида қамраб олишни биринчи ўринга қўйдик. Ҳозир қамров 30 фоиздан ошди, 2030 йилга келиб 50 фоиздан ошади. Энди шу қамраб олган талабаларимизнинг барчаси талабга жавоб берадими? Менимча, сифат биринчи ўринга қўйилиши керак.

2018 йилда Самарқанд ветеринария медицинаси институти очилди. Институт университетга айлантирилиб, бугунги кунда таянч олий таълим муассасаси сифатида фаолият олиб борапти. Шу билан бирга ветеринария медицинаси йўналишида Ўзбекистонда яна тўққизта олий таълим муассасаси талаба қабул қилияпти. Ушбу институт ва университетларда деярли профессорлар ва ўқитадиган база йўқ. Ушбу муаммага ечим топиш мақсадида охириги уч йил ичида ветеринария медицинаси йўналишидаги институтлар учун семинарлар ўтказиб келяпмиз. Уларга “Биз рақобатбардош мутахассислар етиштиришимиз керак, сизда бунга имконият чегараланган. Шунинг учун табаларингизни иккинчи курсдан кейин мутахассислик фанларидан бизнинг университетимизда ўқитишингиз лозим”, деб келяпман.

Биз олдин ветеринария врачини мол дўхтири, деб тушунардик. Лекин ветеринария медицинасининг мутахассиси бугун одамни довландиган врачдан кам салоҳиятга эга бўлмаслиги керак. Балки ундан ҳам баланд салоҳиятга эга бўлиши лозим. Сабаби, шифокорга борсақ қаеримиз оғриётганини айтиб берамиз. Ҳатто, сабабини ҳам тушунтириб беришимиз мумкин. Бирок, биз парвариш қиладиган ҳайвонлар қаери оғриётганини айтиб бера олмайди. Ветеринария врачлари ҳайвоннинг кўзидан, унинг ҳолати ва ҳаракатидан қаери оғриётганини айтиб бера оладиган салоҳиятга эга бўлиши керак. Мана шу камчиликларимизни тўғрилайдиган бўлсак, ўшанда сифат даражаси юқори бўлади.

— Таълим сифатини ошириш учун олий таълимда қандай ислохотлар қилиняпти?

— Таълим сифатини ошириш учун кейинги 2-3 йил ичида олий таълимда тизимли ҳаракатлар бор. Охириги йилларда таянч университетларга ишонч кучайди. Олдин Ўзбекистондаги шароитдан келиб чиқиб олий таълимни ривожлантирган бўлсак, ҳозир қайси йўналиш бўлишидан қатъи назар, хорижий мамлакатлардаги мингталикка, беш юзталикка қирадиган рейтингдаги университетларнинг ўқув режаларини олиб, ўз ўқув режаларимизга мослаштириш топшириляпти. Бундан ташқари, кейинги йилларда олий таълим муассасаларига янги биноларнинг қуриб берилиши, замонавий лабораторияларнинг қуриб келиши, профессор ўқитувчиларни ривожланган мамлакатларнинг олий таълим муассасаларига стажировкага бориб келишлари ва ҳоказо.

Олий таълимдаги ислохотларнинг натижаси бирданига кўриниб қолмайди. Бугунги бўладиган ислохотларнинг натижаси эртага кўринади. 2018 йилда университетимизда менадан бошқа профессор-ўқитувчиларнинг стажировка ҳақида маълумоти ҳам, рейтинг бали ҳам йўқ эди. Бугунги кунда профессор-ўқитувчиларимизнинг юздан ортиги h-индексига эга бўлди. Эликдан ортик профессор-ўқитувчиларимиз ўтган ўқув йилида стажировкаларга бориб келди. Бундан ташқари, бизнинг профессор-ўқитувчиларимиз Ўрта Осиёдаги олий таълим муассасаларига дарс берадиган даражага келди. Бугунги кунда Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистондаги олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларимиз онлайн ва офлайн шаклда дарс ўтляпти. Шунингдек, талабалар алмашинуви йўлга қўйилди. Қозоғистон миллий аграр университети, Фарбий Қозоғистон аграр техника университетидан талабалар келиб, семестр даражасида ўқиб кетиляпти.

— Хорижлик экспертлар биздаги таълим дастурлари анча қоқоқлигини тасдиқламоқда. Шунинг учун ҳам бизнинг дипломларимиз хорижий давлатларда тан олинмайди. Жаҳон стандартларига мос кадрлар тайёрлашимиз учун нималар қилишимиз керак?

— Бундай тушунча беш-олти йил олдин бор эди. Биз ўтган йиллардан самарали фойдаландик ва Япония, Корея, Америка, Германия, Италия, Португалия, Россия, Беларусь каби давлатларнинг илғор университетлари ўқув дастурлари билан танишиб, ўзимиздаги ўқув дастурларини мослаштиришга эришдик. Шунинг учун ҳам бизнинг профессор-ўқитувчиларимиз кўшни давлатларнинг олий таълим муассасаларида дарс ўтишляпти. Масалан, Қозоғистон миллий аграр университети 500 талик университетлар қаторига қиради. Шунга қарамасдан уларда ветеринариянинг ривожланиши бизнинг университетимизга тенг. Биздаги профессор-ўқитувчилар уларда, уларнинг профессор-ўқитувчилари бизга келиб дарс ўтишляпти. Айни кунда Латвиядан келган профессор талабаларимизга дарс бермоқда. Унинг айтишича, биздаги лаборатория жиҳозлари жаҳон стандартларига мос даражада, ўқув дастурларимиз ҳам худди уларники сингари ишланган экан. Қайси талабангиз тилни яхши биладиган бўлса, биз уни ўқитишга тайёрмиз, деди у. Шунингдек, латвиялик профессор бизнинг талабаларимизда билим олишга хоҳиши баландлигини айтди. Менимча, бугун университети-мизнинг дипломини барча давлатлар инобатга олса керак, деб ўйлайман. Сабаби, шу даражага етиб келдик.

— Бугун баъзи талабалар ҳам ўқиб, ҳам ишлайди. Давлатимиз томонидан ҳам талабаларнинг дарсдан кейин ишлашига руҳсат берилди. Сизнингча, талаба ишлаши керакми ёки ўқиши?

— Талабалик давримда мен кимё мутахассислигида ўқирдим. Ўқишдан ташқари вақтимда кимё лабораториясида ишлардим. Бу менга жуда катта ёрдам бўлди, чунки дарс ўтишга лаборатория ишларини тайёрлаб қўйишим керак эди. Шунинг учун мен талабалардан бир қадам олдин бўлишим шарт эди. Бундан ташқари, талабалик давримда қоровуллик ҳам қилганман. Ётоқхонага бориб дарс қилсам ҳам, қоровулхонада дарс қилсам ҳам ҳеч нарса йўқотмаслигимни тушуниб етганман. Ота-онамга озгина бўлса ҳам ёрдам қилиш ниятида ҳар бир вақтимдан самарали фойдаланганман.

Тўғриси, мен дуал таълим тарафдориман, албатта, ҳамма йўналишлар учун эмас. Масалан, ветеринария йўналишида дуал таълимни амалга ошириш оғирроқ, лекин зооинженерияда энгил. Зооинженерия йўналишида ҳайвонлар технологияси билан шуғулланадиган талабалар кўпроқ объектнинг олдида бўлиши керак. Назариядан ўқитишимизда муаммо йўқ, аммо амалиётда бўлишлари яхши бўлади. Оддий жавобим талаба ҳам ўқиб, ҳам ишлаши керак.

— **Баъзида олий таълим муассасаларида айримлар илмий иш қилмасдан сотиб олинган диссертацияни химоя қилганини эшитиб қоляпмиз. Бундай кўзбўямачиликларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?**

— Мен ушбу лавозимда иш бошлаган пайтим, яъни 2018 йилнинг май ойида магистратура талабаларига битирув ишлари бошланган экан. Химояга қатнашиб, магистр диссертациясини очиб қарасам, кириш қисмида “КПССнинг 28-съездида кўрсатилган талабларга нисбатан...” деган жумлаларни ўқиб, кўрқиб кетдим. Кечирасиз, мустақиллигимизга 27 йил бўлган бўлса, нима учун ҳалигача шу нарса ўзгармади, деб сўрадим. Ҳамкасблар билан биргаликда юқори даражали талабга жавоб берадиган замонавий жиҳозларни ишлатадиган магистр диссертацияларини химояга қўймасдан, балки оддий, кузатиб борса бўладиган, ўзлари натижасини кўриб химоя қила оладиган диссертацияларни химояга қўйишга келишиб олдик.

Бугун мен университет жамоасидан жуда ҳам миннатдорман. Биласиз, ўтган йилларда тизимда қанча хатоликлар бўлганини. Шу хатоликлар ичида яшаб келган ҳамкасбларимиз тубдан ўзгарди. Шунинг учун бизда юқорида айтилган кўчирма химоялар ва ҳоказо-

лар, ўйлайманки, тарихда қолди. Биз магистр ва докторантларимизга энгиллик бўлиши учун жаҳон микёсида ўзининг самарасини кўрсатган лойиҳадан фойдаланишни лозим, деб билдик. Бундан 70 йиллар аввал университетларнинг тез ўзгариши кўзда тутилган бизнес-инкубатор деган лойиҳа киритилган эди. Шу лойиҳа асосида 500 таликка кирадиган университетлар ўзларини тиклаб олди. Биз шу бизнес-инкубатор лойиҳасига илмий бизнес-инкубатор деган нарсани қўшдик ва 2023 йилнинг июль ойидан лойиҳани бошладик. Лойиҳа доирасида виварий лабораториямизга 14 турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг назорат гуруҳини олиб келдик ва бир йўла икки нарсага эришдик. Биринчидан, бизда илмий ишларни олиб борадиган барча ҳамкасбларимиз назорат гуруҳидаги лабораториядан фойдаланиш имкониятига эга бўлди ва тажриба гуруҳи учун хўжаликлар билан шартномалар тузиб, хўжаликларга ҳам хизмат кўрсатишни бошладик. Иккинчи ютуғимиз, жонли ўтадиган дарсларимизни лабораторияларда ўтадиган бўлдик. Бундай дарслар талабаларда қизиқиш пайдо қилди.

— **Кейинги йилларда олий таълим муассасаларида коррупцион ҳолатлар анча камайди, аммо талабалар кредит-модул тизимидан норози. Уларнинг фикрича, кредит-модул тизими талабадан пул ундиришнинг замонавий усули эмиш. Шунинг учун аъло баҳоларга ўқийдиган талабалар ҳам имтиҳондан йиқилаётганмиш. Бу борада сизнинг фикрингиз қандай?**

— Кредит-модул тизими энг яхши хорижий мамлакатларнинг ривожланишига сабаб бўлди. Кредит-модул тизими ҳақиқатда талабаларнинг тушунганидек бўлганида, бу тизим ишлаб кета олмасди. Талабаларнинг бундай хулосага келишига кредит-модул тизимини

ҳали охиригача тушунмаганлигимиз сабаб бўлиши мумкин. Биз тўлақонли кредит-модул тизимини ишлатамиз деганимиз билан ишлата олмаймиз. Сабаби, бу ўзимизнинг менталитетимизга боғлиқ.

Кредит-модул тизимининг талабига кўра, талаба мустақил ўқийди. Профессор-ўқитувчи жадвалга қўйилган дарс соатига кўра, белгиланган вақтда аудиторияга келиб талабаларни кутиб ўтиради. Талабага дарс керак бўлса келиб ўқийди, ўзлаштиришини тушунган талаба келмаса ҳам ўқиб кетаверади, фақатгина охирида шу модулни ўтиб, кредитини ололса бўлди. Бизда жараён бошқача. Талабаларни ёмонламоқчи эмасман, улар ҳали бу тизимни тушуниб ета олгани йўқ.

Биз ушбуларни ҳисобга олган ҳолда талабаларга имкон қадар ёрдам бераймиз. Авваллари имтиҳондан ўтолмаганларга иккинчи ведомост, учинчи ведомост қўлланиларди. Энди кредит-модул бўлганидан кейин бу тизим йўқ, лекин талабаларнинг тарафини олган ҳолда улардан яна бир марта имтиҳон олишни ҳар бир кафедрага топшириқ берганман. Агар шу имкониятдан ҳам фойдалана олмаса, учинчи семестрга қолади.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор, ҳамкасбларим бу гапимдан хафа бўлишмасин. Масалан, мен гуруҳдаги ўттиз нафар талабага дарс ўтсам, фаним тугагач, имтиҳондан барча талаба йиқилса, бу кимнинг айби бўлади? Уларнинг лоақал 50 фоизи имтиҳондан ўтолмаса, демак, билимим унчалик юқори эмас экан, деб хулоса қиламан ва ўз устимда қаттиқроқ ишлайман. Кредит-модул тизимининг ичига кириб, тўғри ишлата олсак, муаммо ўзидан ўзи ечилиб кетади. Бунинг учун озроқ вақт керак.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА
сўхбатлашди.

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати –
Ўзбекистон
Либерал-
демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари
миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарк” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-310
Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарк” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани,
Новза кўчаси, 14-уй
Маълумот учун телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

МУВАФФАҚИЯТ ЙЎЛДОШИНИГ БЎЛСИН

Шерзод Тошкент шахрининг Яшнобод туманида таваллуд топган.

Мақолани расмий оҳангда бошлаганимдан ҳайрон бўлаётгандирсиз? Ҳа, у ҳамма қатори оддий инсон. Лекин унинг ютуқлари халқаро микёсда тан олинди. Шерзод Абдуллаев – профессионал спортчи.

Асли Яшнободнинг “Бойкўргон” маҳалласидан бўлган ҳамюртимиз спорт билан шуғулланишни бошлаганида ўн ёшларда эди. Болалигидан Брюс Ли, Жет Ли иштирокидаги жангари фильмларни севиб томоша қиладиган болакай кино қаҳрамонлари каби машхур бўлишни жуда-жуда орзу қиларди. Кунлар келиб орзуси амалга ошишига дилдан ишонарди.

У ўқувчилик йилларидаёқ машхур бўлди. Кўп марта Ўзбекистон чемпиони бўлди. Истеъдодли спортчи ўзини халқаро мусобақаларда синаб кўрди. 2012 йил Португалияда бўлиб ўтган Ёшлар ўртасида Full contact мусобақасида Жаҳон чемпиони бўлди. 2015 йилда Россияда кечган чемпионатда катталар ўртасида Жаҳон кубоги совриндори, 2017 йилда Туркменистонда Осиё ўйинлари иштирокчисига айланди.

Вақт ўтган сайин умидли спортчимиз кўксини медаллар шодаси беади. 2018 йил июн ойида кикбоксинг бўйича Америка очик чемпионатида олтин медални қўлга киритган бўлса, 2019 йил февралда “Combat at the Capital 43” шоу оқшомида кечган профессионал жангда ҳакам-



лар бир овози билан ғолиб деб топилди. Бир ойдан кейин кечган “Combat at the Madison Square Garden” шоу оқшомида нокаут ҳисоби билан ғалаба қозонди. 2020 йили “Combat at the Madison Square Garden” шоу оқшомида ҳам спорт ғалабасини янгилади.

Кикбоксинг бўйича спорт устаси сифатида ўз нуфузига эга юртдошимизнинг ҳар бир муваффақияти – халқимизнинг, Ўзбекистоннинг муваффақияти!

Зафарлар мудом йўлдошинг бўлсин, спортчи!

Ўз мухбиримиз

(Боши 1-саҳифада)

Унга кўра, битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги самарали таъсир кўрсатувчи асосий омиллар сифатида 40-45, уларнинг назарий тайёргарлиги 80-85 фоиз, ҳолатда эканлигини таъкидлашди. 60 фоиз ҳамкорларимиз эса битирувчиларни иш фаолиятида пайдо бўладиган муаммоларни мустақил муваффақиятли ҳал қилиши муҳим деб ҳисоблашлари маълум бўлди.

Дарҳақиқат, талабалар малакавий амалиётларини ташкил қилиш юкори

ИЛМДАН ЎЗГА НАЖОТ ЙЎҚ

малакали мутахассислар тайёрлашнинг асосий талабларидан биридир. Фақат ишлаб чиқариш амалиётида талабалар аниқ ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилиш механизмларини ва келажакдаги амалий фаолиятнинг хусусиятларини ўрганадилар. Ишлаб чиқариш амалиётининг мақсад ва вазифалари — мутахассислик фанлари бўйича олинган назарий билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш; амалий иш кўникмаларини эгаллаш, иш шакллари ва усуллари, жорий ҳужжатлар билан танишиш, корхона тажрибасини ўрганиш, ахборотни таҳлил қилиш, ташкилий фаолиятни режалаштириш, ечимлар йўллари ва шакллари мустақил равишда аниқлаш кўникмаларини эгаллашдан иборат. Айниқса, техник олий таълимда бўлгуси бакалаврларни замонавий техника ва технология билан таништириш, уларни илмий билимлар билан қуроллантириш ва бу билимларни амалда қўллаш учун кўникма ва малакалар ҳосил қилиш умумтехник тайёргарликнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Бугунги кунда айниқса, муҳандислик олий таълимидаги малака амалиётларини ташкил этишда уларни самарали бўлишини таъминлайдиган муддатларни ва давомийлигини илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш, ОТМни жойлашуви ва иқтисодий имконияти, амалиётга қабул қилувчи корхоналар, идоралар ва муассасаларни имкониятларидан келиб чиқиб, талабалар учун узоқ муддатли малака амалиётлари, кейин эса ишлаш учун базавий корхона топиш муаммосини ҳал этиш каби муаммолар ечимини топиш масаласи олий таълим ташкилотлари ва кадрлар истъомчилари олдидаги бирламчи вазифалар деб ҳисоблаймиз.

Ушбу масалаларнинг замонавий самарали ечимини излаш мақсадида институтимиз мутахассислари Россия, Германия, Нидерландия ва Америка Қўшма Штатлари каби бир қатор давлатлардаги талабалар малака амалиётининг ташкил этилиши, уларни мақсади, даврийлиги ва мазмунини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб бормоқда.

Таҳлиллардан кўринадики, малакавий амалиётлар даври мутахассислик фанларидан олинган билимларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлса-да, техника ва технологиянинг ҳозир-

ги жадал янгиланиш даврида унинг моҳияти ўзгариши лозим бўлади. Сабаблар ҳозирги кескин ривожланиш босқичини бошланиши даврида янги технологияни яқиндан ўрганиш учун зарур воситалар билан таъминлашда давлат ёрдамини ташкил этиш ривожланган давлатларнинг амалиётида катта ўрин тутганини ҳисобга олиб ушбу масалани ҳал этишни йўллари бизда тўла ҳал этилмаган дейиш мумкин.

Муайян таълим йўналишлари бўйича талабалар амалиётини ўташи мумкин бўлган корхона ва ташкилотларнинг рўйхатини марказлаштирилган тартибда белгилаш ҳамда шу асосда корхона ва ташкилотларнинг мажбуриятларини кўрсатиб ўтилмагани сабабли, Республикаимизда фаолият кўрсатаётган аксарият корхоналарда амалиётларда фақат танишув имконияти бўлиб, бевосита технологик жихозларда ишлаш ёки бошқарувда иштирок этиш имкониятларининг қарийиб йўқлигидан малака амалиётларининг самарадорлиги пасайиб бормоқда.

Ҳозирги кунда кўплаб техника олий ўқув юртларида малакали кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда катта ҳажмдаги илмий-тадқиқот ишларини ҳам олиб борилмоқда. Ушбу ИТИ га талабаларни жалб этилиши амалда ўқиш жараёнида меҳнатга ва изланишга қизиқишларини ортиши, кўникмаларни ҳосил қилиш даврини қисқартиришга олиб келмоқда. Шунинг учун талабаларга амалиётлар даврида кичик ҳажмдаги тажрибаларни корхоналар шароитида ўтказилишини ҳуқуқий, ташкилий ва услубий жиҳатлари амалиёт ҳужжатларида кўзда тутилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ҳам замонавий малакали мутахассислар тайёрлашнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

Республикаимизда ҳам олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларнинг ҳамкорлигида турли муаммоларни ҳал этиш тажрибалари мавжуд. Бироқ, бу хусусда эришилган натижалар айрим ютуқлар сирасига мансуб бўлиб, уларни ҳам асосан расмий равишдаги кўрсатмалар асосида амалга оширилмоқда. Фан, техника ва ишлаб чиқариш интеграциясига ривожланган мамлакатларда жуда катта эътибор берилган. Жаҳон амалиётида ушбу муаммони ҳал этишнинг усулларида бири сифатида географик жиҳатдан яқин жойлашган ўқув муассасалари

ягона илмий марказлар, ишлаб чиқариш ва тажриба марказлари ташкил этиш интеграциясини кучайтириш масаласини ҳал этишни мақбул усули эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу биргина мисолнинг ўзи ҳам тажриба сифатида қабул қилинадиган бўлса, ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишга муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу йўл билан бўлажак мутахассисларнинг (талабаларнинг) мустақил таълимини йўлга қўйиш, амалиётни ўтиш жараёни бевосита ишлаб чиқаришда иштирок этиш билан қўшилиб кетади.

Хулоса қилиб айтганда олий таълимда малакавий амалиётларни замонавий талаблар асосида ташкил этиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

■ Республикаимиз олий таълим муассасаларида жамланган тажрибаларга ва илғор хорижий университетлардаги малака амалиётлари моделларига асосланган малакавий амалиётларни ташкил этишнинг замонавий Низомини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқат даражасида тасдиқлаш;

■ Ўқитишнинг кредит-модуль технологияси қўлланилаётган шароитда малака амалиётларини ташкил этиш ва баҳолаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, яъни янги шароитдаги уларнинг услубий таъминотини такомиллаштириш, малака амалиётларига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ баъзи умумий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш керак;

■ Малака амалиётлари даврида талабаларни қисқартирилган иш куни асосида аниқ белгиланган иш жойларида тегишли лавозимларда ишлашларига имконият берувчи ташкилий, ҳуқуқий ва услубий асослар яратилиши лозим;

■ Ҳар бир курсда ўтказиладиган малакавий амалиётлари услубий таъминотини таянч олий ўқув юртларида марказлаштирилган ҳолда, стандарт талабидеги ўқув дастурлари доирасида яратиш ҳамда уни амалиётга кириштириш лозим;

■ Республикаимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик ишларига ҳамроҳанг тарзда, Россия Федерацияси ва бошқа ривожланган давлатларда олий ўқув юртлари талабалари учун амалиётларни ташкил қилиш тажрибаларидан фойдаланиб, малака амалиётлар Низомида ногиронлиги бор

ва жисмоний имкониятлари чекланган талабалар учун амалиётларни ташкил этишнинг ҳуқуқий, ташкилий ва услубий жиҳатлари кўрсатиб қўйиши лозим;

■ Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг аксариятида ўтган ўқув йилидан бошлаб сиртки ва кечки таълим шаклини жорий этилиши билан бу талабаларга малака амалиётларини ташкил этиш услубияти, мазмуни ва ҳажми аниқ кўрсатилган меъёрий ҳужжат қабул қилиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Чунки, ҳозирги пайтда ОЎЮга ҳужжат топшириш вақтида ёки ўқиш давомида уларни ўз мутахассисликлари бўйича ишлашлари лозимлиги амалдаги Низомларда кўрсатиб қўйилмаган. Кундузги шаклдан бошқаларида ҳам мутахассисларга Давлат таълим стандарти талаблари бир хил эканлиги инobatга олиб, сиртки ва кечки шаклларда мутахассис тайёрлашдаги ушбу муаммоларнинг амалий ечимларини топиш лозим;

■ Ўқув жараёнида фойдаланилаётган адабиётларда ўз аксини топиб улгурмаган техник тизимлар ва жихозлар билан танишиш, уларни ишлашини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш зарурати юзага келмоқда. Шунинг учун ҳозирги ривожланиш босқичида, малакавий амалиётларни ўташ учун белгиланган муддатларни 1,5-2 мартаба узайтириш лозим бўлади.

■ Муайян таълим йўналишлари бўйича талабалар амалиётини ўташи мумкин бўлган корхона ва ташкилотларнинг рўйхатини марказлаштирилган тартибда белгилаш ҳамда шу асосда корхона ва ташкилотларнинг мажбуриятларини кўрсатиб ўтиш қабилардир.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, талабаларда ишлаб чиқариш шароитларига тез мослашиш ва олинган билимлардан ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилишда фойдаланишга имкон берувчи кўникмаларни шакллантиришдан иборат бўлган амалий машғулотлар муҳим ўрин тутади. Талабаларни муайян умумий маданий, умумий касбий ва касбий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган олий касбий таълим тизимида малакали мутахассисларни тайёрлашда замонавий ёндашувлар амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш учун янги ёндашувларни талаб қилади.

Умаржон МЕЛИБОЕВ,
Наманган муҳандислик-технология институти ўқув ишлари бўйича проректори